


# Расулуллоҳнинг жаннатдаги қўшинлари (учинчи мақола)



14:17 / 21.05.2023 1192

Толҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоху анҳу Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг халифаларига энг яқин ёрдамчилардан бўлдилар. Абу Бакр Сиддиқ вақтларида шуро мажлисининг фаол аъзоларидан эдилар. Ислом жамиятини идора қилишда турли муаммоларни ҳал этишда жонбозлик кўрсатдилар.

Толҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоху анҳу Абу Бакр розияллоху анҳу биринчи бўлиб Исломга киришларига сабаб бўлган беш кишининг бири эдилар. Ана шу томондан ҳам уларнинг қадимдан алоқалари яхши эди.

Абу Бакр Сиддиқ ўринларига ҳазрати Умарнинг номзодларини тақдим қилганларида Толҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоху анҳу ўз фикрларини айтиб, у кишига баъзи саволлар ҳам берганлар.

Ҳазрати Умар ва ҳазрати Усмон розияллоху анҳумо вақтида ҳам шундай бўлди.

Ҳазрати Умар Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам рози ҳолларида ўтиб кетган олти кишининг номзодини халифаликка тавсия қилганларида Толҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоху анҳу ҳам ана шулар ичида бор эдилар.

Аммо ҳазрати Усмон розияллоху анҳунинг фожиали ўлимлари Зубайр ибн Аввом розияллоху анҳу билан бирга, Толҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоху

анҳуга ҳам қаттиқ таъсир қилди. У кишининг ўчини олиш Толҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоҳу анҳунинг ҳам энг катта муаммосига айланиб қолди.

Толҳа розияллоҳу анҳу ўзларича Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу билан бирга бу масалани ҳал қилишга уриндилар, маккаликлар билан Оиша онамизни олиб, Басрага боришда ва бошқа ҳодисаларда бош бўлдилар. Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу билан бирга ижтиҳодлари ўз ўрнидан чиқмаганини ҳам англадилар.

Аммо фитначиларнинг фитнаси ила Туя уруши келиб ҳам чиқди. Ўша куни ҳазрати Али розияллоҳу анҳунинг уруш ичидаги гапларидан кейин Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу қилган хатоларини тушуниб, жанг майдонини ташлаб чиққанларидан кейин Толҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоҳу анҳу ҳам жанг майдонини ташлаб, шаҳид бўлиш учун майдондан ташқарига чиқдилар. Жанг бўлаётган жойда бир лаҳза ҳам ҳушёрликни қўлдан бермаслик кераклиги қоидасига умр бўйи амал қилиб юрган уста жангчи хатосини тушунгандан кейин қуролини ташлаб, Роббига илтижо қилиш учун холи жойга ўтмоқчи бўлиб, жанг оралаб юриб кетди.

Жанг қилмай турган одам омонда эканлиги қоидасига амал қилмаганлар у кишини нишонга олдилар. Қўлида қуроли билан ҳушёр турганда яқинига кела олмайдиганлар Толҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоҳу анҳуни қуролсиз Аллоҳга илтижо ҳолида турганда нишонга олдилар. Номардлар ўқи мардларнинг мардининг тиззасидаги шох томирга тегди. Қон тўхтамади. Толҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоҳу анҳу ҳақларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган гаплар ҳақ бўлди. У киши шаҳид кетдилар.

Машъум жангдан сўнг ҳаммага баробар жаноза ўқиб, дафн қилаётган ҳазрати Али Зубайр ибн Аввом ва Толҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоҳу анҳуларга ҳам жаноза ўқидилар, улар билан видолашар эканлар:

«Умид қилурманки, мен, Толҳа, Зубайр ва Усмонлар «Уларнинг кўксларидаги ғилли-ғашларни чиқариб ташладик. Сўриларда бир-бирларига юзланиб, биродар бўлган ҳолларидадирлар» дейилганлардан бўлурмиз», дедилар («Ҳижр» сураси, 47-оят).

Сўнгра ҳазрати Али икки дўстнинг қабрларига қараб туриб:

«Қулоғим Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оғизларидан у зотнинг:

«Толҳа ва Зубайр менинг жаннатдаги қўшниларимдир», деганларини эшитган», дедилар.

Ҳа, бу ҳақ гап. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаводан нутқ қилмаслар. У зотнинг айтганлари ваҳийдан бошқа нарса эмас.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 23-жузидан олинди**

**Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
ҳузуридаги**

**Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги  
03-07/5165-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.**